



ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тангматов Жонибек Олимжонович

Судьялар олий мактаби

ТИНГЛОВЧИСИ

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8137686>

ARTICLE INFO

Received: 05th July 202

Accepted: 11th July 2023

Online: 12th July 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Ушбу мақолада озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тушунчаси моҳияти, жазо тизимида тутган ўрни, мақсади ўрганилган.

Шунингдек ушбу мақолада баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўрни, ҳамда содир этилган жиноят учун қўлланилиши, озодликдан маҳрум қилишнинг муддатлари ва шартлари таҳлил қилинган.

КИРИШ

Ўзбекистондаги жазо тизими ва уни такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб боришдан олдин ривожланган давлатлардаги жазо тизими ва уларнинг ўзига ҳос бўлган хусусиятларини ўрганишимиз лозим.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қўплаб хорижий мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳрумларга таъсир қилишнинг энг самарали, айна пайда, истиқболли усул ва методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган¹.

Шу асосда ривожланган мамлакатлардаги ижобий тажрибаларни ўзлаштиришимиз ва қонунчилигимизга имплементация қилишимиз мумкин.

Франция давлати жазо тизими ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар ҳақида таҳлил олиб борадиган бўлсак, Францияда жазо тизими бизнинг давлатимиздаги жазо тизимидан анча фарқли жиҳатлари борлигини кўришимиз мумкин.

Франция жиноят кодексига жазолар икки турга бўлинган. Улар ижтимоий ҳавфи юқори бўлган жиноятлар ва ижтимоий ҳавфи юқори бўлмаган қилмишлар учун алоҳида-алоҳида жазоларни белгилашган, лекин иккала турдаги жазоларда ҳам шахсни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар мавжуд.

Хусусан, Франция Жиноят кодексининг 131-1 моддасида ижтимоий ҳавфи юқори бўлган жиноятлар учун жазо тизими ёритилган бўлиб, уларга:

¹ Йўлдашева М. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ижросини ташкил этишда хориж тажрибаси. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 2009. 30-бет.



- 1) умрбод қамоқ ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш;
- 2) ўттиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш;
- 3) йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш;
- 4) ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш;
- 5) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси 10 йилдан кам бўлиши мумкин эмас².

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшимча равишда суд томонидан жарима жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 131-3 моддасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар учун тайинланадиган жазо турлари келтирилган бўлиб уларга:

- 1) қамоқ;
- 2) жарима;
- 3) кунлик жарима;
- 4) ҳақ тўланмайдиган жамоат иши;
- 5) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш киради.

Мазкур кодекснинг кейинги моддасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар учун тайинланиши мумкин бўлган қамоқ жазосининг муддатлари келтирилган:

- ўн йилдан кўп бўлмаган;
- етти йилдан кўп бўлмаган;
- беш йилдан кўп бўлмаган;
- уч йилдан кўп бўлмаган;
- икки йилдан кўп бўлмаган;
- бир йилдан кўп бўлмаган;
- олти ойдан кўп бўлмаган муддатдаги қамоқ жазолари³.

Ушбу давлатдаги жазо тизимининг ўзига ҳос хусусиятлари бу жиноятнинг ижтимоий ҳафвлилигига қараб уларнинг иккига бўлиниши ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар муддатининг аниқ белгилаб қўйилишидир.

Франция кодексига белгиланган жиноятларнинг санкция қисмида ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларнинг муддати аниқ белгиланган, улар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига белгилагандек йиллар оралиғини кўрсатмаган.

Масалан, Франция жиноят қонуни бўйича пора бериш ёки хусусий шахслар таъсирида савдо қилиш жинояти учун ўн йил қамоқ жазоси ва 1 000 000 франк жарима жазоси белгиланади. Бизнинг Жиноят кодексимизга асосан эса базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади⁴.

² Франция Республикасининг Жиноят кодекси 131-1 моддаси. // <https://www.legislationline.org/>.

³ Франция Республикасининг Жиноят кодекси 131-4 моддаси. // <https://www.legislationline.org/>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодексининг 211-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон. // <https://www.lex.uz/>.



Фикримизча, Франция қонунчилиги бўйича муайян жиноят учун аниқ муддатга эга бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг белгиланишини, суд амалиётида бир турдаги жиноят учун ҳар ҳил судьялар томонидан турли муддатдаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишини олдини олади. Франция жазо тизими ўзининг қатъийлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, Францияда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларнинг ресоциализация қилиниши, таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилган. Франция жиноят кодексига асосан суд бир йилгача бўлган қамоқ жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноят ишларини қўришда маҳкумга жазоси ярим озодликда ўташга рухсат бериши мумкин. Бунинг учун шахс жазони ярим озодликда ўташ учун асос қилиб ўзининг профессионал фаолияти заруратини, таълим жараёнини давом эттиришини, ресоциализация билан боғлиқ бўлган стажировка ёки вақтинчалик ишини, оилавий шароитини асос қилиб кўрсатиши лозим бўлади.

Франция жиноят кодексининг 132-26 моддасига асосан ярим озодликда жазони ўташга рухсат берилган маҳкумлар юқорида келтирилган фаолиятлар бўйича вазифаларини амалга оширмаётган пайтларини суд томонидан белгиланган жазони ижро этиш муассасаларида бўлишлари шарт⁵.

Франциядаги ушбу қоидалар бизнинг қонунчилигимиз бўйича жазони манзил колонияларида ўтаётган маҳкумларнинг ҳолатига яқинроқ десак бўлади, аммо Франция давлатида нисбатан енгилликлар кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Германия Федератив Республикаси жазо тизими ҳақида сўз юритадиган бўлсак, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги ягона жазо Германия Жиноят кодексига 1979-йил 1-апрелдан Жиноят ҳуқуқини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Биринчи қонунининг 4-моддасига мувофиқ пайдо бўлган. Бунгача Германия давлатида озодликдан маҳрум қилишнинг турли кўринишлари яъни: каторга турмаси, турма, қамоққа олиш ва қамоқ тарзидаги жазолар назарда тутилган⁶.

Ҳозирда Германия Жиноят кодексининг 38-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси икки турга муддатли ва муддатсизга бўлинади. Муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддати 15 йилни, энг кам муддати эса бир ойни ташкил этади⁷.

Айбланувчи томонидан бир нечта жиноятлар содир этилган тақдирда ҳам тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш жазосининг умумий муддати 15 йилдан ошмаслигини лозим бўлади. Германия Жиноят кодексининг ушбу нормаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексигаги нормалардан фарқ қилади, чунки Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддати 20 йиллиги белгиланган ҳолда жиноятлар мажмуи учун 25 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги келтирилган.

Германия Федератив Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги жиноятларга нисбатан тайинланишини мумкин:

⁵ Франция Республикасининг Жиноят кодекси 131-26 моддаси. // <https://www.legislationline.org/>.

⁶ Уголовное право зарубежных стран. Общая часть. Учебное пособие / Под. Ред. И с пред. И.Д. Козочкина. – М.: Омега-Л. 2003. с. 400.

⁷ Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси. // <https://constitutions.ru/>.



- Агрессив урушни тайёрлаш;
- Давлатга хоинлик қилиш;
- Ватанга хоинлик қилиш
- Одам ўлдириш;
- Жабрланувчининг ўлимига олиб келган босқинчилик;
- Ўта оғир ўт қўйиш
- Геноцид.

Германия давлатида инсон ва унинг яшашга бўлган ҳуқуқи энг олий қадрият сифатида баҳоланади, чунки айнан геноцид ва одам ўлдириш учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа муқобил жазога алмаштирилишининг имкони йўқ.

Демак, Германия давлатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони Ўзбекистон Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлардан бир мунча кўпроқ.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн саккиз ёшга тўлмаганларга, баъзи ҳолатларда яъни шахс психологик ва ақлий жиҳатдан етилмаган шахсларга йигирма бир ёшга тўлмагунча тайинланиши мумкин эмас.

Германия давлатида умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахслар муддатидан олдин шартли озод қилиниши мумкин. Бунинг учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камида ўн беш йил муддатини ўтаган бўлиши лозим ва жазони ўташ жараёнида қоидаларни жиддий бузмаган бўлиши, муносиб ҳулқ-атвор кўрсатиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, Германияда деярли барча умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинданган шахсларга шартли озод қилиш учун имкон берилади. Сабаби шуки, Германия Конституцион судининг қарорига асосан маҳкумларга шартли ҳукм қилиш учун имконият берилмаслигини фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқларига зид ҳисобланади⁸.

Россия давлати жазо тизимининг ўзига ҳос жиҳатларидан бири бу жазо тизимида ҳам ўлим жазоси, ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг мавжудлигидир.

Ўлим жазоси Россия давлатида фақат инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ўта оғир турдаги жиноятлар учун тайинланиши мумкин.

Ўлим жазоси

- Аёлларга;
- Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга;
- Ҳукм чиқарилгунга қадар олтмиш беш ёшга тўлган шахсларга тайинланиши мумкин эмас.

Шунингдек, ўлим жазоси чет давлат томонидан халқаро шартномага асосан жиний таъқибни амалга ошириш учун Россия давлатига берилган шахсга агар шахс жиноят содир этган давлатда у содир этган қилмиши учун ўлим жазоси тайинланиши

⁸ Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси. <https://constitutions.ru/>.



мумкин бўлмаса, ёки бошқа сабабларга кўра ушбу шахсга ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлмаган ҳолларда ўлим жазоси тайинланмайди⁹.

Ўлим жазоси Россия жиноят кодексининг 105-моддаси иккинчи қисми яъни “одам ўлдириш”, 277-моддаси “давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига суиқасд қилиш”, 295-моддаси “дастлабки тергов ёки одил судловни амалга оширувчи мансадор шахснинг ҳаётига суиқасд қилиш”, 317-модда “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимининг ҳаётига суиқасд қилиш”, ва 357-модда “геноцид” учун тайинланиши мумкин.

Масаланинг аҳамиятли томони шундаки, ушбу давлат Жиноят кодексига ўлим жазоси мавжудлигига қарамасдан Россия Конституцион суди томонидан 2019-йилнинг 19-ноябр куни қарор қабул қилинган бўлиб, унга кўра бундан буён Россия давлатидаги ҳеч бир суд ўлим жазоси тайинлаш бўйича ҳукм чиқара олмайди.

Россия Жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгача номланади. Бу давлатда муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари мавжуд. Мантиқан олганда ҳақиқатдан ҳам “озодликдан маҳрум қилиш” атамаси жазосининг моҳиятини тўлиқ очиқ бермайди. Мазкур жазо тайинланган шахс Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича бир ойдан йигирма йилгача ва баъзи турдаги жиноятларни содир этганда йигирма беш йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Демак, жиноят содир этган шахс суд ҳукми билан муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Шу сабабли ушбу жазонинг номига муайян муддат сўзининг қўшилиши жазо моҳиятини аниқлаштиради. Акс холда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси шахснинг бутун умри давомида ёки белгиланган аниқ муддатга тайинланиши ҳақида ноаниқликларни вужудга келиши мумкин.

Россия давлатида муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир этган шахсга нисбатан икки ойдан йигирма йилгача тайинлашини мумкин.

Маҳкумга тайинланадиган муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати йигирма йилдан ҳам ошиши мумкин. Маҳкумга нисбатан муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси содир этилган жиноятлар учун тайинланиши мумкин бўлган муддатларни қисман ёки тўлиқ қўшиш орқали йигирма беш йилгача бўлган муддатга, бир нечта ҳукм юзасидан эса ўттиз йилгача тайинланиши мумкин¹⁰.

Россия давлатида муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатлари Ўзбекистон жазо тизимидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосидан унча катта фарқга эга эмас.

Россия жазо тизимидаги умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш, аҳоли соғлиги, жамият манфаатлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг жинсий даҳлсизлигига қарши қаратилган жиноятларга нисбатан тайинланади.

⁹ "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 07.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020). // <http://www.consultant.ru/>.

¹⁰ "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 07.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020). // <http://www.consultant.ru/>.



Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас¹¹.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида ўзига хос институт мавжуд бўлиб у суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш муддатининг қисқартирилиши ҳисобланади.

Масалан, **Америка Қўшма Штатлари** (Калифорния штатидан ташқари) да суд томонидан маҳкумга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумнинг ҳулқ атворига қараб ўзгариши мумкин. Маҳкумнинг “Яхши ҳулқи” орқали унинг жазо муддати қисқартирилиб борилади.

Ушбу институт Франция давлатининг жиноят қонунчилигида ҳам қайд этилган. Францияда ҳам маҳкумнинг “яхши ҳулқ-атвори” асосий ҳал қилувчи белги ҳисобланади. Маҳкумга тайинланган жазо муддати судья томонидан жазони ижро этувчи муассасалар маъмуриятининг фикрини инобатга олган ҳолда қуйидаги усулларда қисқартирилиши мумкин: ҳар йили озодликдан маҳрум қилиш уч ой муддатга қисқариши ёки маҳкумга бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, ҳар ойда етти кунгача қисқартирилиши мумкин.

Англия давлатида эса 1948-йилда каторга ишлари жазоси бекор қилинганидан сўнг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ягона жазо – турмага қамаш жазоси қолган бўлиб, унинг энг қисқа муддати бир кунни ва энг кўп муддати йигирма беш йилни ташкил этади. Бундан ташқари, Англияда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам қўлланилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Англия давлатида жиноятнинг оғирлик даражасига қараб озодликдан маҳрум қилиш жазоси қанча муддатга белгиланиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Масалан, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича оғир турдаги жиноятлар учун беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин, аммо Англия давлатида бундай қоидалар мавжуд эмас. Натижада Англия давлатида суд амалиётида турли оғирликдаги жиноятлар учун тайинланадиган жазо муддати стандартлари вужудга келган. Юридик адабиётларда улар “тарифлар системаси” деб аталади. Лекин судьялар ушбу тариф системасига амал қилмасликлари ҳам мумкин, чунки у норматив ҳужжат ҳарактерига эга эмас¹².

Белорусия давлатида эса озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати бошқа МДҲ давлатларига қараганда нисбатан қисқароқ муддатни ташкил этади. Беларусия Жиноят кодексининг 57-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўйича нормалар келтирилган бўлиб унга кўра озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн икки йилгача тайинланиши мумкин.

Ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн икки йилдан ўн беш йилгача, агарда ўта оғир жиноят инсон ҳаётига қасддан суиқасд қилиш,

¹¹ "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 07.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020). // <http://www.consultant.ru/>.

¹² Ахьядов Э.С. Сравнительно-правовой анализ отдельного вида наказания в уголовном праве зарубежных стран — лишение свободы. Юридические науки: проблемы и перспективы. Чеченский государственный университет. Казань, 2016. С.130.



гиёҳбанлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари билан савдо қилиш, шунингдек, давлатга қарши жиноятларда йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланиши мумкин.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Белорусия давлатида ҳам вояга етмаган шахслар учун тайинланадиган жазо турлари ва муддатлари вояга етган шахсларга тайинланадиган жазо турлари ва муддатларидан фарқланади.

Хусусан, ўн саккиз ёшга тўлмасдан биринчи марта жиноят содир этган шахснинг қилмиши жамият учун хавф туғдирмаса озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмаган шахсларга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси куйидаги муддатлардан юқори бўлиши мумкин эмас:

- 1) Унча оғир бўлмаган жиноят учун – уч йил;
- 2) Оғир жиноятлар учун – етти йил;
- 3) Ўта оғир жиноятлар учун – ўн йил;
- 4) Ўта оғир жиноятлар инсон ҳаётига қасддан суиқасд қилиш, гиёҳвандлик моддалари, психотроп моддалар ва уларни прекурсор ва аналоглари билан савдо қилиш билан боғлиқ бўлса – ўн икки йил¹³.

Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, асосан романа-герман ҳуқуқ тизимида кирувчи давлатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатлари, жиноят оғирлиги даражасига кўра тайинланиши мумкин бўлган энг узоқ ва қисқа муддатлари аниқ белгиланган.

Аксинча, англо-саксон ҳуқуқ тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатлари аниқ белгиланмасдан асосан, судга муддат белгилаш борасида кенгроқ имкониятлар берилган.

Шунингдек, баъзи бир давлатлар жазо тизимида бир пайтни ўзида ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам ўлим жазоси мавжуд.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 22-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018-йил 28-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010-йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

¹³ Уголовный кодекс Республики Беларусь № 275-З. Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, // <https://etalonline.by/>.



Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси. Халқ сўзи, 2010-йил 13-ноябр.

6. Каримов. И.А. Адолат қонун устуворлигида // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2002-й. – 336 Б.

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2021 й., 03/19/563/3685-сон.// www.lex.uz

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси // Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: Адолат, 1998-й. 80 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 03/20/613/0362-сон // www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 03/20/613/0362-сон // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 4сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. <https://lex.uz/000000000000>

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006-йил 3-февралда қабул қилинган “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/>.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 28-августдаги ЎРҚ-558-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон.// www.lex.uz

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодекси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/19/586/4106-сон // www.lex.uz

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори.

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007-йил 14-ноябрдаги 15-сонли «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори. // www.lex.uz

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // www.lex.uz

2. Франция Республикасининг Жиноят кодекси // legislationline.org/.

3. Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси // constitutions.ru/.

4. Уголовный кодекс Российской Федерации // consultant.ru/.

5. Хитой халқ Республикасининг 1982-йил 4-декабрдаги Конституцияси // legalns.com

6. Россия Федерациясининг “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни // consultant.ru



1. М.Усмоналиев, П.Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи.Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент. Насаф. 2010 й. 468 Б.
2. М.Усмоналиев Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005 й. 476 Б.
3. Н.А.Стручков О наказании, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1988 г. 496 С.
4. М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм – Тошкент: Адолат, 2016 й. 565 Б.
5. Д.А.Шестаков Теория преступности и основы отраслевой криминологии: Избранное. СПб., 2015 г. 313 С.
6. Уголовное право зарубежных стран. Общая часть. Учебное пособие Под. Ред. И с пред. И.Д. Козочкина. – М.: Омега-Л. 2003 г. 400 С.
7. И.Я.Фойницкий Учение о наказании в связи с тюрьмоведением. СПб., 1889. 414 С.